

Таълимда креатив педагогик технологиялардан фойдаланишнинг айрим услублари

Savurova Shahrizoda Abdumalik qizi¹, Savurov Mustaf o'g'li²

¹A.Qodiriy nomidagi JDPI, Texnologik ta'lim yo'nalishi 1-bosqich magistri,

²A.Qodiriy nomidagi JDPI, 4-bosqich talabasi, Jizzax, O'zbekiston

e-mail:savurovashahrizoda@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада таълим жараёнида креатив педагогик технологиялардан фойдаланишнинг айрим услубий асослари ҳақида қараб чиқилади.

Калим сўзлар: Ижод, ижодкорлик, креатив, креатив педагогик технология, инновация, инновацион таълим, педагогик технология, янги педагогик технология.

Аннотация: В статье рассматриваются некоторые методологические основы использования творческих педагогических технологий в образовательном процессе.

Ключевые слова: Творчество, творчество, творчество, творческие педагогические технологии, инновации, инновационное образование, педагогические технологии, новые педагогические технологии.

Annotation: This article discusses some methodological foundations of the use of creative pedagogical technologies in the educational process.

Keywords: Creativity, creativity, creativity, creative pedagogical technology, innovation, innovative education, pedagogical technology, new pedagogical technology.

Маълумки, ҳар қандай жамиятни ривожлантирувчи куч бу албатта таълим ҳисобланади. Таълимга қаратилган эътибор эса мамлакатни ривожлантирувчи йўлдир. Чунки ривожланган мамлакатларнинг таълим тизими биламизки жуда илгарилаб кетган. Шу сабабли муҳтарам президентимизнинг 2020-йил 6-ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 6108 - сон фармони бажаришга қаратилган ПҚ – 4884 – сон қарорида таълимнинг барча жабҳаларини ривожлантириш комплекс ечимлари келтирилган. Ушбу қарорни ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда педагогик технологияларнинг кенг равишда қўлланилиши албатта унинг истиқболли ривожланишига сабаб бўлди. Унга педагоглар креатив ва инновацион ёндашадиган бўлди. Энди еса биз педагогик технологиялар ижод ва ижодкорлик қобилияти шаклланиши, креативлик ва унинг педагогикадаги ўрни ҳақида сўз юритамиз.

Ижод – инсоннинг янги моддий ва маънавий неъматлар яратиш фаолияти.

Ижод (арабча) – кишининг яратувчилик маҳорати: бадий, илмий асар ёки моддий бойлик яратиш, вужудга келтириш, яратувчилик, ижодиёт.

Ижодкорлик – бу ижод қилувчи, яратувчи, бунёдкор, вужудга келтирувчи шахс. **Ижодкор шахс** – ўзлигини англаган шахс.

Инновация – янгиланишни, ўзгаришни амалга жорий этиш жараёни ва фаолияти (инглизча инновация – киритилган янгилик, ихтиро).

Инновацион таълим – бўлажак мутахассисни янгича шароитларда ишлашга тайёрловчи жараён бўлиб, у олдинги олган билимлар асосида таълимни такомиллаштиришга самарали янгича ёндашувлар қилишдан иборатдир.

Педагогик технология – (ЮНЕСКО таърифи) – таълим бериш ва ўзлаштириш усуллари яратиш, қўллаш, уларни ягона тизимга келтириш йўли билан инсон салоҳияти ва техник воситаларининг барча имкониятларидан мувофиқ равишда фойдаланиб, билимлар ўзлаштиришининг энг мақбул жараёнидир.

Янги педагогик технология – таълим мақсадларини аниқлаб, ўқув жараёни режасини тузиб, уларни жорий этиш ёрдамида таълим самарадорлигини оширувини таъминловчи ўқув жараёнининг оптимал бошқарувини ўз ичига олган ягона тизимдир.

Креативлик – (lot. ing. “create” – яратиш, “creative” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёргарликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти. Креативлик бу янгича ёндашувни талаб этувчи бир омил десак адашмаган бўламиз. Чунки йилдан – йилга шиддат билан ривожланаётган замонда яратувчилик, ижодкорлик ғоялари билан инсониятнинг оғири - енгил, машаққати - онсон ва ноқулайи – қулай бўлмоқда. Бу албатта барча соҳаларни қамраб олиши билан таълим соҳасини ҳам четлаб ўтгани йўқ.

Креатив педагогика бу таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишга қаратилган ижодий, янгича, яратувчилик билан ёндашувчи, креатив фикрлаш, мавжуд педагогик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган қобилият ва малакаларни ривожлантирувчи йўл.

Креатив педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳозирги кунинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Шиддат билан ривожланаётган даврда таълим – тарбия жараёнида ўзгача фикрлаб ўқувчи ва талаба ёшлар билан янгича фикрлаб дарс ўтадиган ўқитувчи шахсини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун таълим соҳасида улкан ўзгаришлар қилинмоқда. Ҳусусан,

- мактаб дарсликларини янгиланиши;

- дарсларда интернет материалларидан фойдаланиб, янгича дарс ўтиш;
- интерфаол методлардан фойдаланиб дарсни ташкил этиш;
- ҳаққоний баҳолаш системасини жорий этилиши (kundalik.com);
- олий таълим тизимида кредит модул тизимига ўтиш;
- фанлар юзасидан ахборот тизимларини янгиланиши бўлди.

Шундай қилиб, педагогик технология тўғрисида таълим технологияси, креатив педагогик технология қўлланиладиган методларнинг барчаси ҳам таълим олувчиларни чуқур билим олишлари ва талаб даражада кўникмага эга бўлишларига қаратилган. Ҳамма гап қўйилган мақсадни қай даражада амалга оширишдадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М.Мирзиёевнинг 2020-йил 6-ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора –тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 6108 - сон фармони бажаришга қаратилган ПҚ – 4884 – сон қарори.
2. Х.А.Тўрақулов, Ж.Ж.Ҳасанбоев, И.Ш.Алқаров, Н.Ў.Усмонов, О.Х.Тўрақулов. “Илмий тадқиқот асослари”. Тошкент – 2011. “Fan va texnologiya” нашриёти,2011. 483 б.
3. Х.А.Тўрақулов, О.Х.Тўрақулов, И.Х.Тўрақулова, У.Х.Тўрақулов. “Илмий тадқиқот асослари”. Тошкент – 2019. “Fan va texnologiya” нашриёти,2019. 630 б.
4. Ботаришев А.В. Одаренности как системное качество психика, определяющее творческие способности и креативности в современной образовательной среде: опыт, проблемы, перспективы. Internet – konferensiyasi. Част 2 – Отск., 2013 стр. 9-13.
5. Милухина С.Л. Развитие креативного мышления младших школьников как средство активизации их познавательной деятельности. Internet – konferensiyasi. Част 2 – Отск., 2013 стр. 46-48.